

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2017
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

О.АҲМАДЖОНОВА “Чинор” романи композициясидаги ўзига хосликлар	64
М.ЖУРАЕВА Бадиий адабиётда мутелик психологияси	66

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ТОШХЎЖАЕВА Бадиий нутқда риторик сўроқ гаплар ва уларнинг лингвопоэтик тадқиқи	69
Э.ИБРАГИМОВА Баҳонинг предмет ва белги ёрдамида ифодаланиши	73
Г.РОЗИҚОВА, У.ФАРМОНОВА Қўшма гапларга хос шакл ва мазмун номутаносиблиги	77
В.АМАНОВ Қадриятлар тизимида миллий, маданий ва лисоний дунёқараш	80
Д.ЮЛДАШЕВА Синтактик такрорларнинг бадиий-эстетик имкониятлари	83
Н.ҒОФУРОВА Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида мақол ва маталларнинг лингво-когнитив асослари ва уларнинг структурал-семантик жиҳатлари	86
Г.ЖУРАБОЕВА Тарихий топонимларнинг шаклланишида апеллятивларнинг ўрни	88
Р.АХРОРОВА Тилнинг концепт доирасини ўрганиш муаммолари	92

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ж.ОТАЖОНОВ, Ф.МАХМУДОВА, М.РАЙИМЖОНОВА Бошланғич таълим педагогларининг педагогик жараёнда руҳий ёндашув масалалари	95
Ҳ.ҒАНИЕВА Таълим-тарбия жараёнида ўсмирлар хулқ-атворини намоён бўлишининг ижтимоий-психологик аспекти	98

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.АБДУМАННОПОВ Интеграл операторлар қатнашган иккинчи тартибли ўзгармас коэффициентли дифференциал тенглама учун чегаравий масала	103
Ш.ОХУНЖОНОВА Оғзаки тарихни ёзма тарихга айлантириш жараёни ҳақида	106
М.ОМОНОВ, З.БОТИРОВА Арабча синиқ кўплик вазнидаги ўзлашма сўзлар ва уларнинг семантик хусусиятлари	109
О.ҲУСАНХЎЖАЕВ Мақолларда қиёслаш, зидлаш муносабатини ифодалашда сонларнинг аҳамияти	111
Н.ЎРИНОВА Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий компетентликни шакллантириш йўллари	113
Н.АБДУЛАЗИЗОВА Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида зарарли одатларнинг олдини олишнинг педагогик-психологик асослари	115

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Сўхлик биринчи олим	116
---------------------------	-----

ХОТИРА

Мадаминбек Хотамович АҲМЕДОВ	117
Эркин Мўйдинович ТУХТАСИНОВ	117

УДК: 811.512

ТАРИХИЙ ТОПОНИМЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА АПЕЛЛЯТИВЛАРНИНГ ЎРНИ

Г.Жўрабоева

Аннотация

Ушбу мақолада тарихий топонимларнинг вужудга келишида ўрин-жой маъносини ифодаловчи апелляцияларнинг ўрни хусусида сўз боради.

Аннотация

В данной статье рассматриваются вопросы места апеллятивов, выражающих значение места в формировании исторических топонимов.

Annotation

This article deals with the role of appellatives in the formation of historic toponyms.

Таянч сўз ва иборалар: ономастика, топоним, географик объект, индикатор, апелляция, топонемизация, топонимизация.

Ключевые слова и выражения: ономастика, топоним, географический объект, индикатор, апелляция, топонемизация, топонимизация.

Key words and expressions: onomastics, toponym, geographical object, indicator, appellative, toponemization, toponimization.

Ономастика фанининг бир қисми бўлган топонимикада маънавий меросимиз ҳисобланган жой номлари ва уларнинг аталиш қонуниятлари ўрганилади. Жой номлари узоқ даврлар маҳсули бўлиб, улар ҳудуд тарихи, географияси, табиати ва манзилнинг бошқа муҳим хусусиятлари ҳақида бой маълумот берувчи лисоний даракчилардир.

Ўзбек топонимикасини илмий жиҳатдан ўрганиш XX асрнинг 60-йилларида бошланган. Ўтган давр мобайнида ўзбек топонимикасини ўрганиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Т.Нафасов, С.Қораев, З.Дўсимов, Б.Ўринбоев, Т.Раҳматов, А.Туробов, Т.Эназаров, Н.Охунов каби олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан юртимиз ҳудудларидаги топонимлар тўпланди, уларнинг лисоний хусусиятлари, тарихи, этимологиясига оид муҳим илмий кузатишлар амалга оширилди [1, 8, 4, 10, 11, 12].

Таниқли топонимшунос олим С.Қораев юқорида зикр этилган илмий тадқиқотларнинг дебочаси сифатида, умуман олганда, Ўзбекистон топонимиясининг тадқиқ этилиши хусусида ушбу фикрларни келтирган эди: «Ҳар қандай фан ўз-ўзидан бирдан пайдо бўлмайди.

Бунинг учун жамиятда тегишли талаб, эҳтиёж вужудга келиши, зарурий илмий пойдевор яратилиши шарт. Ана шундай мустаҳкам пойдевор – бу бебаҳо илмий асарлар, ёзма ёдгорликлардир. Чунончи, бундан ўн аср олдин яратилган «Ҳудуд ул-олам», Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Ўрта Осиёнинг дурдона асарлари – «Девони луғотит турк», «Бобурнома» асарларининг топонимик моҳиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлмасдан туриб, Ўзбекистон топонимларини ўрганиш кўнгилдагидек самара бермайди» [1.273].

Дарҳақиқат, олим таъкидлаганидек, асрлар давомида ўзида минглаб кўҳна номларни сақлаб келаётган тарихий ёдномалар ономастикасини ўрганиш ва тадқиқ этиш ҳозирда топонимия соҳаси олдида турган бир қанча муаммолар тугунини ечишга холис хизмат қилади. Шу билан бир қаторда замонавий номшунослик фанининг ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади.

Хусусан, ономастик тизимда ҳали тўлақонли равишда илмий таҳлил қилинмаган Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асари ҳам (XVI аср) ўзида 400 га яқин қадимий топонимларни жамлаши билан характерлидир. Ушбу топонимлар улкан географик объектлар (қитъа, мамлакат, ўлка, вилоят, шаҳар, тоғларнинг номи) дан

Г.Жўрабоева – ФарДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси.

тортиб майда объектлар (жар, тепалик, қир, дашт, дара, довон номлари) гача бўлган жой номларини мужассамлаштиради.

Топонимлар, яъни жой номлари тил луғат фондининг бир қисмидир. Жой номлари тилнинг бошқа лексик қатламларидан анчагина фарқ қилади. Бу фарқ топонимларнинг узок яшашида, уларнинг поликомпонентли – кўп компонентлардан иборат бўлишида, ҳар бир тилнинг ички қонуниятларига кўра топонимлар яшашда апеллятивлар (турдош отлар) иштирок эта олишида кўринади [1.6].

Манбадаги жой номларининг топонегизига эътибор қаратилганда, уларнинг кўпи турдош отлар – географик ва бошқа атамалар, касб-хунар лексемалари, ўсимлик ва ҳайвон, уруғ-аймоқ номларидан ҳосил қилинганини кўриш мумкин. Шу билан бир қаторда «Тарихи Рашидий» асарида аксар топонимлар ўрин-жой маъносини билдирувчи *уй, шаҳар, қишлоқ, қаср, қалъа, кўрғон, вилоят, карвонсарой* каби апеллятивлар замирида вужудга келгани кузатилади. Бунда дастлаб яшаш учун мўлжалланган бошпана ёки аҳоли пункти маъносини ифодаловчи турдош отлар индивидуаллашуви, конкрет бир объектнинг маъносини англатиши натижасида топонимизация (апеллятивнинг ўз вазифасини ўзгартириб, атоқли от тизимига ўтиши) жараёнига учрайди [2.82].

Чунончи, муаллиф **Қарши** топонимининг келиб чиқиши ҳақида куйидаги фикрларни илова қилади: «*Бу шаҳарнинг Қарши номини олишига сабаб шуки, Кебекхон Нахшаб ва Насафдан икки фарсах нарида қаср қурдирган эди. «Қаср» сўзи мўғул тилида «Қарши» деган маънони англатади*» (94-бет).

Шу ўринда дастлаб ушбу топоним этимонига доир баъзи қарашларга ўз мулоҳазаларимизни билдириб ўтишга ҳаракат қилдик. Топонимнинг «қаср», «сарой» маъносига тенг келиши Маҳмуд Қошғарий, Ҳофизи Абру, академиклар В.В.Бартольд, В.В.Радлов ишларида ҳам қайд этилгани мутахассис олимлар томонидан таъкидланган [1, 238]. Бироқ ушбу номнинг «Бобурнома» асарида бошқачароқ талқинда берилиши баъзи иккиланишларга, мунозараларга сабаб бўлиши мумкин: «*Қарши – мўғулча сўз,*

ғўрхонани (сағанани) мўғул тили бирла қарши дерлар» [3.114].

Бу икки хил изоҳга ўз навбатида топонимика соҳасининг таниқли тадқиқотчиси Т.Нафасов шундай ёндошади: XV-XVI асрларда хон авлоди, улуғ руҳоний ва бошқа мўғлтабар шахслар қабри учун қурилган сағана, мақбара ҳам **қарши** дейилган, чунки ўша давр одатига кўра мақбара **сарой**, яъни **қарши** ичига қурилган.

Бу хулосадан маълум бўладики, илк илдизи «қаср» оти билан боғланадиган «қарши» сўзи кейинчалик (XV-XVI асрларда) метонимия – алоқадорлик асосида *мақбара, сағана* номига ҳам кўчирилган.

Демак, **Қарши** топонимининг келиб чиқиши ҳам бевосита *қаср*, ўрин-жой апеллятиви билан туташади ва турдош отнинг индивидуаллашуви ўз навбатида атоқли отнинг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилади.

Манбада яна Жиззах топонимининг қадимги **Дизак** шакли учрайди: «*Амир Ҳусайн ҳам Дизак деган жойда чара овига киришди*» (83-бет).

Агар унинг ҳам этимологиясига эътибор қилинса, *диз* суғдча «қалъа, кўрғон» маъноларини ифодалаб, ушбу турдош отга кичиклик билдирувчи *-ак* қўшимчаси бирикади ва «Кўрғонча», «Кичик кўрғон» маъноларини англатувчи атоқли отга айланади [4.62].

Асарда, шунингдек, *диз* лексемаси ёрдамида ҳосил қилинган **Чокардиз** топонимини ҳам кўриш мумкин: «... *мудом Чокардиздаги фақиқлар масжиди остонасида ўтириб, Абул Мансур Мотурудий руҳига сиғинар эди*» (277- бет).

Қайд этилган топонимнинг этимони илмий асарларда учрамайди, лекин таркибидаги форсча «чокар» сўзи «хизматкор» маъносини ифодалаши назарда тутилса, ном «хизматкорлар кўрғони» деган маънони англатиши тахмин қилинади. Рус топонимист олими академик В.В.Бартольд **Қундуз** топонимини ҳам, бевосита, *диз* сўзи билан боғлайди. Яъни, *Кўхандиз* – «кўхан» – эски, «диз» – кўрғон сўзи ўзгариб, *Қундуз* шаклини олган.

«Тарихи Рашидий» асарида тилга олинган жой номларидан яна бири **Минора** топонимидир: «*Бир қанча жойларда минора, гумбаз, мадрасалар сақланган. Ҳеч ким бу шаҳарнинг номини билмагани боис,*

мўғуллар уни *Минора деб аташади*» (508-бет).

Маълумки, *минора* сўзи ҳам дастлаб ўрин-жой маъносини билдирувчи турдош от ҳисобланган: «Бирор бинога кўшиб ёки алоҳида қурилган мезана шаклидаги баланд иншоот» [5.466]. Ушбу географик ном ҳам аввал *бино*, *иншоот* маъносида қўлланган бўлса, кейинги даврларда бутун бир территорияга алоқадор бўлади ва атоқли отга кўчиб, топонимлашади.

Бу каби мулоҳазалар, **Сур** тарихий топонимига ҳам тегишли бўлиб, номнинг топонегизини арабча «кўрғон», «қалъа» ўрин-жой апеллятивлари ташкил қилади.

Биз тадқиқот давомида ўзбек тилидаги бошқа жой номларининг келиб чиқиши билан ҳам қизиқиб кўрганимизда *Рустоқ* (бир гуруҳ қишлоқ), *Ҳисор*, *Мадина*, *Работ* (асарда қўлланган); *Шаҳристон*, *Берун*, *Қасаба* (шаҳарча), *Хива*, *Боб*, *Кат* каби топонимлар ҳам ўрин-жой турдош отларининг атоқли отга кўчиши асосида вужудга келгани маълум бўлди. Бу каби топонимларнинг яна бир жиҳати муҳимки, тилнинг имконият доираси кенгайиб боргани сари улар ўзларига турли қўшимчалар ёки аниқловчилар олиб, янги топонимлар ясалишида асос вазифасини бажарган. Кейинчалик эса уларнинг баъзиларига жой номлари яратишга ихтисослашиб қолган топонимик унсур (индикатор) сифатида қаралади. «Тарихи Рашидий» асарида эса топоним ҳосил қилувчи бундай атамалардан қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

Ҳисор – арабча «кўрғон, қалъа, истеҳком» маъносини ифодалайди ва шу маъноли турдош отдан атоқли отга кўчади [4.142]. Асарда ушбу индикатор асосида ясалган *Янги Ҳисор* (*Янги Кўрғон*), *Ҳисори Шодмон* (*Шодлик қалъаси*), *Ҳисори Феруза* (*Бахт кўрғони*) каби икки компонентли топонимлар берилган.

Работ – энг сермахсул топонимик индикатор ҳисобланиб, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» да қуйидагича изоҳ берилган: 1) мустаҳкамланган кўрғонларда соқчилар турадиган жой ёки истеҳком кўрғон; 2) савдо йўлларидаги мустаҳкамланган манзил, карвонсарой; 3) шаҳардан четроқдаги турар жой [5.501].

Бу сўз ҳақида мутахассислар турлича фикр билдирадilar. Жумладан, академик В.В.Бартольд (9 жилдди, Москва, 1963-1977)

«работ» сўзининг маъноси «от боғланадиган жой» бўлиб, араблар диний урушлар учун курашаётган вақтда бу иншоотларни душманлардан ҳимояланиш мақсадида қурганликларини ва кейинги вақтларда тайёр работлар ибодатхона, карвонсаройларга мослаштирилганини айтиб ўтади. Шунингдек, топонимшунос А.Мухаммаджонов «работ» сўзининг «бекат» маъноси ҳам бўлганини таъкидлайди [6.74].

Асарда ушбу сўз «дам олиб ўтиладиган жой», «бекат» маъносида қўлланилади: «Қорачиноқдан *Кулфинработ* деган, яъни йўловчилар дам олиб ўтадиган жойгача йигирма беш фарсах чиқади. *Кўкработдан Ёрканднинг Работчи деган жойигача етти фарсахдир. Санаб ўтилган бекатлардан ташқари, Работчи билан Қорачиноқ орасида аҳоли яшайдиган жойлар оз*» (413-бет).

Манбада «работ» сўзи ёрдамида ясалган *Кулфинработ*, *Кўкработ*, *Работчи*, *Работи Қатағон*, *Работи Малик*, *Тошработ* каби топонимларни учратиш мумкин.

Кат (*кет, канд, кент*) – Ўрта Осиё географик номларида энг кўп қўлланган индикатор ҳисобланиб, академик В.В.Бартольд (9 жилдди, Москва, 1963-1977) фикрича, *кат* эронча «уй» деган маънони англатган. Хоразмда ҳам атрофи девор билан тўсиб олинган майдон *кат* дейилган. Чунончи, Хоразмнинг қадимги пойтахти номи ҳам **Кат** бўлган. Бу сўз эроний аҳолидан туркий халқларга «қишлоқ», «шаҳар» маъносида ўтган бўлиб, *кент* атамаси *кат* сўзининг диалектал шаклидир [1.194].

Маҳмуд Қошғарий бу сўзни қуйидагича изоҳлайди: «Кенд–ўғуз ва уларга яқин турувчилар тилида «қишлоқ». Кўпчилик турклар назмида вилоятдир» [7.330]. Қадимги ёзма ёдгорликларда *кент* сўзи асосан «шаҳар» маъносида қўлланган. «Тарихи Рашидий» асарида «кат, канд» атамаси билан ҳосил қилинган ўндан ортиқ жой номларини кўриш мумкин: *Кўшканд*, *Сулотканд*, *Тошканд*, *Бисканд*, *Еттиканд*, *Ёрканд*, *Ахсикат*, *Самарқанд*, *Ўзганд* (*Ўзжанд*), *Фанокат* каби.

Дастлабки даврларда *кент* компоненти билан ҳосил қилинган бу каби топонимларга қўшма сўз сифатида қаралган бўлса, ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз ўз

маъносидан узоқлашиши ёки яхлитлашиши натижасида содда туб сўз сифатида талқин қилинади.

Балиқ (балиғ) – қадимги туркий тилда «шаҳар» маъносини билдирган. Бу атама асосида ясалган *Бўрбалиқ*, *Янғибалиқ* топонимлари мавжуд бўлиб, асарда учрайдиган *Қозбалиқ (Болосоғун)*, *Бешбалиқ (Шарқий Туркистон)*, *Хонбалиқ (Пекин шаҳрининг қадимги туркий номи)* каби топонимлар шу атама ёрдамида ҳосил қилинган.

Бешбалиқ топонимининг маъноси «Девон» да қуйидагича изоҳланади: «Балиқ – турклар ва мўғуллар тилида шаҳар. Мўғулларнинг энг катта шаҳарларга Беш балиқ дейишлари шундандир. Бешбалиқ – беш шаҳар демақдир» [7.341].

Ўрин-жой отлари асосида пайдо бўлган бу атамалар ҳақида сўз кетганда, улар қаторига **обод** сўз-аффиксини ҳам кўшиш мумкин. Ҳозирда фаол қўлланадиган топоним ясовчи *обод* компоненти ҳам Ёқут Ҳамавийнинг 10 жилдлик «Муъжам ул-булдон» («Мамлакатлар луғати») асарида форсча «*аҳоли пункти*», «*қишлоқ*» маъносида қўлланиши эътироф этилган: Асадобод – «Асаднинг қишлоғи» демак.

Асарда бу атама ёрдамида ясалган *Астробод* топоними қўлланган бўлиб, унинг этимологияси аниқ эмас.

Юқорида зикр этилган топонимик индикаторлар, албатта, тарихий жой номларини ҳосил қилишда фаол қўлланган бўлса, ҳозирги ўзбек адабий тилида, айниқса, ойконимлар таркибида бу сўзлар ўрнини *қишлоқ*, *овул*, *маҳалла*, *гузар*, *қўрғон*, *кўча* каби замонавий топонимик индикаторлар давом эттираётганини кўриш мумкин: *Каттақишлоқ*, *Сўфиқишлоқ*, *Бекмаҳалла*, *Кичикқўрғон*, *Исфарагузар*, *Жаркўча*, *Тепакўча*, *Оқовул*, *Мергановул* каби [8, 7].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, аслида маъносиз, тушунарсиз сўзлар мажмуидан иборатдай туюладиган қадимги топонимлар диққат билан кўздан кечирилса, улар муайян тил қонуниятлари асосида пайдо бўлади. Бу қонуният уларнинг маънавий жиҳатдан ўхшаш эканлигида ҳам, грамматик жиҳатдан тузилишида ҳам, гап бўлаклари сифатида жойлашиш ўрнида ҳам кўринади. Демак, топонимларнинг илк шаклланиш босқичида турдош отлар, айниқса, ўрин-жой маъносини ифодаловчи апеллятивлар муҳим аҳамият касб этган.

Адабиётлар:

1. Qorayev S. Toponimika. – Toshkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2006.
2. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006.
3. Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002.
4. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент, 1977.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
6. Муҳаммаджонов А. «Работ» атамаси этимологияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1995, 2- сон.
7. Маҳмуд Кошғарий. Девони луғотит турк. – Тошкент, 1960. 1- том.
8. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989.
9. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. – Тошкент: Шарқ, 2010.
10. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985.
11. Эназаров Т. Шаҳрисабз ҳудуди жой номларининг тарихий, қиёсий таҳлили. – Тошкент, 1993.
12. Туробов А.М. Самарқанд вилояти этноним ва этноойконимларининг таҳлили. – Тошкент, 1999.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).